

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ВОҚЕЛИК

Хорижда ишламоқчимисиз?

Энди манфаатларингиз таъминланади ва ҳуқуқларингиз ҳимоя қилинади

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларга қулайликлар яратиш, ҳалқаро шартномалар тузиш, республика ташқарисидagi иш жойларига ҳавфсиз тарзда етиб боришни таъминлаш учун амалий чоралар кўришмоқда. Бу борадаги ишлар тизимли ташкил этилаётганига қарамасдан ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда. Натижада салбий оқибатлар кузатишмоқда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш масалалари қувонарли аҳволда эмас. Аслида юртимизда иш ўринларини яратишда сусткашликка йўл қўйилаётгани ёки фуқароларни меҳнат шароити қониқтирмаётгани ишсизлар сонининг мунтазам ўсишига олиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 5 июлда «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарор ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга

ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишни таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича бир қатор имкониятларга эга бўлади.

Улар вазирликдан аккредитациядан ўтгач, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган юрти-

миз фуқароларининг касбий малакаси ва кўникмаларга эга бўлиши, хорижий тилларни билиш даражасини белгилаш билан шугулланиши мумкин.

Мазкур вазирлик ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳам ташкил этилади.

— Янги ташкил этиладиган жамғарма юртдошларимиз учун қулайликлар яратади, — дейди Олмасор тумани Намуна маҳалласи оқсоқоли Қўчқор Каримов. — Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ўз-ўзидан, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзи жуда қувонарли. Бу бир инсоннинг оғирини енгил қилиши билан

бирга, инсонийликнинг, миллий қадриятларимизнинг бир кўринишидир.

Эндиликда фуқароларимизга хорижда ишлаётган даврида жароҳатланиши ёки бошқа бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш эҳтиёжи туғилса кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаса ҳам уларга хизмат кўрсатилади. Тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши мумкин.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар юртимиз аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш, хорижда юрган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни камайтириш, жабрдийдага айланаётган инсонларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗА материали асосида.

Сурат ЎЗА архивидан олинди.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Медиация: янгиликнинг моҳияти нимада?

«Медиация тўғрисида» 3.07.2018 йилдаги ЎРҚ-482-сон Қонун эълон қилинди.

Қонунда нима дейилади

Медиация — келиб чиққан низои тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули. Қабул қилинган ҳужжатга асосан у низоларнинг 3 та тоифаси бўйича амалга оширилиши мумкин:

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, ш.ж. тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низолар;
- яққа меҳнат низолари;
- оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар.

Маълумот учун: лойиҳа устида ишлаш чоғида жиноят ишлари бўйича медиацияни жорий этиш варианти ҳам кўриб чиқилган эди. Бироқ бундай тақдирлар қўллаб-қувватланмади.

Медиация судгача, шунингдек суд тартибида қўриш жараёнида суд маслаҳатхонага киргунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация ўхшаш тартиб-таомиллардан нимаси билан фарқланади

Медиация иқтисодий ишлар бўйича низоларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби, ишни иқтисодий ёки фуқаролик судида кўриб чиқишда келишув битими тузиш, никоҳдан ажралишда эр-хотинни ва жиноят процессида тарафларни яраштиришга қўл жиҳатдан ўхшаш. Бироқ уларни айнан бир хил деб ҳисобламаслик лозим (ҳар ҳолда ҳозирги кунда амалда бўлган қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда бунинг иложи йўқ).

Медиатор фигураси — медиацияни амалга ошириш

учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс янги ҳуқуқий институтнинг фарқли жиҳати ҳисобланади. Ўхшаш тартиб-таомилларда тарафлар ўртасидаги воситачилик аниқ тартибга солинмаган. Медиатор ўз фаолиятини профессионал (ҳақ эвазига ёки текин) ва непрофессионал (фақат текин) асосда амалга ошириши мумкин. Медиаторнинг вазифаси — тарафлар ўртасида ёзма медиатив келишув тузилишига, яъни низои ихтиёрий ҳал этишга эришиш.

Лойиҳанинг бир йил олдин ҚХТБТ порталида жойлаштирилган дастлабки таҳририда фақат адвокатлар профессионал медиатор бўлиши, 18 ёшга тўлган фуқаролар, юридик шахслар, махсус ташкил этилган органлар ёки комиссиялар эса непрофессионал асосда медиатор бўлиши кераклиги назарда тутилган эди. Бироқ асосий хусусияти — медиатор бирон-бир давлат органига боғлиқ бўлмаслиги керак. Умуман ушбу ёндашувни сақлаган ҳолда, қабул қилинган Қонун Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессонал медиаторлар реестрига киритилган ҳар қандай шахс профессионал медиатор бўлиши мумкинлигини белгилади. 25 ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган жисмоний шахс эса профессионал асосдаги медиатор бўлиши мумкин.

Қиёслаш учун: Оила кодексининг 40-моддасига мувофиқ, суд никоҳдан ажратилган тўғрисидаги ишнинг қўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Хизмат муддати учун устамалар назарда тутилмаган

Чекланган пенсия

Мардикорнинг иш стажы қандай ҳисобланади

Ҳайдовчи сертификатсиз бўлса, жарима қўлланадими?

Медиация: янгиликнинг моҳияти нимада?



1-бетда кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун 3 кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак. Медиация учун эса бутунлай бошқа муддатлар белгиланади — 30 кунгача узайтириш имконияти билан 30 кун. Медиаторни эса тарафлар мустақил танлайди. Яраштириш комиссиялари билан бўлган ҳолатда бундай танлашнинг имкони бўлмайди.

Бундан ташқари, низои ҳал этиш медиатив келишув эмас, балки келишув битимини тузиш билан тугаланиши режалаштирилган эди. У суд жараёнларида суд томонидан тасдиқланиши назарда тутилган эди. Бироқ яқиний тахрирда медиатив келишув амалда суддан ташқари ҳужжатлар сирасига киритилган. У тузилганда ишни судда кўриш тўхтатилади ва ҳатто низои кўриб чиқиш учун тўланган давлат бож қайтарилади (келишув битимида қайтарилмайди). Қонунда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш ва у бўйича ижро варақасини бериш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган (келишув битимида ижро варақаси берилмайди).

Шунга қарамай, медиатив келишув шартлари бажа-

рилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли. Бироқ Қонунда медиатив келишувнинг мавжудлиги кейинчалик давлат органи ёки суд томонидан ишнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиши ҳақида норма ҳам йўқ (келишув битимида — тўсқинлик қилади). Бунда келишув бажарилмаганлиги учун жавобгарликнинг таркиби ва чораларини инобатга олади.

Шу тариқа, медиация — олдинги механизмлардан фарқланувчи янги кўриниш. Ҳар қандай янгилик каби у амалиётда синовдан ўтказилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.07.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ННТнинг адлия органларига ҳисоботи — янги ягона шаклда

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 27.06.2018 йилда 3027-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан нодавлат нотариот ташкилоти томонидан адлия органига тақдим этиладиган ҳисобот шакли тасдиқланди.

2017 йил 1 мартдан урта алоҳида ҳисобот шакли: ННТ учун (1), унинг ҳудудий бўлими учун (2), шунингдек халқаро/чет эл ННТ филиали ва ваколатхонаси учун (3) амал қилади.

Жорий йилнинг 1 июлидан ҳисобот шакли ягона бўлади, ҳозир амалда бўлганлари эса ўз кучини йўқотди.

Илгаригидек, ННТ ҳисоботларни ўз танловига кўра электрон шаклда ЭРИ билан тасдиқлаган ҳолда тегишли адлия органининг расмий сайти орқали тақдим этиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 28.06.2018 йилда эълон қилинган ва 1.07.2018 йилдан кучга кирди.

Жисмоний шахслар валютани қандай айирбошлаши белгиланди

Марказий банк Бошқаруви қарори (АВ томонидан 29.06.2018 йилда 3029-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тижорат банкларида жисмоний шахслар валютани айирбошлаш операцияларини амалга оширишнинг янги тартиби тасдиқланди.

Биринчидан, жисмоний шахслар халқаро тўлов карталаридаги (кейинги ўринларда — ХТК) маблағларни валюта айирбошлаш шохобчасидаги тўлов терминаллари, чакана амалиётлар кассалари, автоматлаштирилган банк шохобчаси ёки банкоматлар орқали нақд шаклда ечиб олишлари мумкин. Бунда жисмоний шахсга нақд маблағлар билан бирга тегишли тўлов ҳужжатлари берилмайди.

Бундан ташқари, автоматлаштирилган банк шохобчасида нақд хорижий валютани миллий валютага айирбошлаш, шунингдек бошқа чакана тўловларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Иккинчидан, валюта айирбошлаш шохобчалари энди ХТКдаги маблағларни нақдлаштириш билан бир қаторда божхона чегарасида божхона тўловлари ва йиғимларини қабул қиладиган бўлишди.

Учинчидан, банк ҳисобварақларига

масофадан хизмат кўрсатиш махсус дастури жорий қилинади. Резидент жисмоний шахслар масофадан туриб махсус дастурдан фойдаланган ҳолда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш, ХТКдан пул маблағларини муддатли депозитларга ўтказиш операцияларини амалга оширишлари мумкин бўлади. Бунинг учун дастури компьютер, планшет, уяли телефон ёки бошқа тегишли қурилмаларга юклаб олиш ҳамда ундан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ офертани қабул қилиш лозим.

Бунда онлайн-режимда валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун махсус дастуридан фойдаланиладиган тижорат банкида жисмоний шахс номига банк картаси ва ХТК очилган бўлиши лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.07.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

2018 йилнинг II чораги учун хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан ДИНАМИКАСИ*

Ўзгариш ойи	Ўзгариш кун	1 Англия фунт стерлинги	1 АҚШ доллари	1 евро	1 Туркия лirasи	1 Швейцария франки	1 Жанубий Корея вон	1 Япония иенаси	1 Россия рубли	1 Украина гривнаси
Апрель	3	11 373,69	8 100,92	9 976,28	2 047,03	8 488,86	7,66	76,19	141,67	308,61
	10	11 408,27	8 094,99	9 936,60	2 005,10	8 434,92	7,59	75,64	139,37	311,47
	17	11 514,13	8 077,26	9 960,07	1 971,07	8 388,47	7,52	75,33	128,01	308,82
	24	11 307,54	8 068,17	9 899,64	1 986,35	8 269,96	7,54	74,85	131,84	308,42
Май	1	11 119,59	8 068,20	9 785,11	1 993,13	8 167,02	7,56	73,93	129,71	307,95
	8	10 919,46	8 059,24	9 638,85	1 905,66	8 063,27	7,48	73,86	128,73	306,14
	15	10 885,43	8 025,83	9 597,29	1 848,55	8 028,24	7,52	73,39	129,63	306,50
	22	10 743,65	7 997,95	9 396,79	1 771,06	8 005,15	7,37	71,91	128,37	306,20
Июнь	29	10 621,98	7 982,25	9 299,32	1 696,15	8 066,14	7,41	72,98	127,57	305,37
	5	10 602,95	7 944,07	9 262,79	1 708,48	8 040,56	7,42	72,53	127,73	304,25
	12	10 606,47	7 909,37	9 306,16	1 768,25	8 029,82	7,36	72,21	126,72	302,64
	19	10 472,30	7 883,99	9 150,95	1 667,12	7 904,54	7,15	71,25	124,89	299,32
	26	10 444,12	7 871,66	9 174,42	1 683,31	7 968,88	7,09	71,59	125,10	300,10

*ЎЗР Марказий банки томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган. Курслар МБ мазкур валюталарни ушбу қўйиматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда белгиланган.

• ВОКЕЛИК

— Хорижда ишламоқчимисиз? **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз **1-2-бетлар**

• ПЕНСИЯ ИШИ

— Пенсияга ҳам устама борми?

— Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган

— Хориждан бадаллар

— Сақлаш учун — тадбиркорга

— Давлат гранти асосида

— Қисқартириш ёки ўз хоҳишига кўра

— Банкдаги счётта

— Ўз вақтида мурожаат қилиш керак

— Ўқитувчи учун махсус стаж

— Расмийчиликларсиз

— Бадалларни тўламоқчиман...

— Ҳамкасбимнинг илтимосига кўра

— Фақат шахсан

— Пенсия жамғармаси таклиф этмоқда

— Уруш ногиронларига тенглаштирилган

шахслар доираси **3-6-бетлар**

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР

— Меҳнат инспекциясига келишувларсиз

текширув ҳуқуқи берилиши мумкин **8-бет**

— Озиқ-овқат бозорларида савдо шохобчаларини онлайн-аукцион орқали ижарага олиш мумкин бўлади **7-бет**

• АВТОНОРМА

— Жарималар ҳозирча ундирилмаяпти

— Суд қарори ижро этиш учун мажбурий

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Сайёр учрашувлар ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мурожаатлари таҳлили ўз натижасини бермоқда. Хусусан, Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси доирасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ишловчи пенсионерларнинг барчасига тўлиқ миқдорда пенсия тўлашни таклиф этмоқда. «Пенсия иши»нинг янги сониди шу ҳақда ўқинг. Ўқувчиларнинг саволларига «Норма маслаҳатчи» эксперти ва Пенсия жамғармаси мутахассисларининг жавоблари ҳам шу ерда.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Расмий жавоб

Пенсияга ҳам устама борми?



Амаким вокалдан дарс беради. У кўп йил ишлаганлиги учун иш ҳақига устама олади. У пенсияни расмийлаштириб, ишлашда давом этса, пенсияга ушбу устамани олиши мумкинми?

Рустам К. Тошкент ш.

— Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақига қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси).

Кўп йил ишлаганлик учун иш ҳақига устамадан сугурта бадаллари тўланган бўлса, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда бу сумма инобатга олинadi.

Пенсия қонунчилигида кўп йил ишлаганлик учун пенсияга устама ҳисоблаш назарда тутилмаган.



БУГУНГИ СОНДА:

ХОРИЖДАН
БАДАЛЛАР

Амалий йўриқнома

2

ҚИСҚАРТИРИШ ЁКИ
ЎЗ ХОҲИШИГА КЎРА

Пенсияга
муддатидан аввал
чиқмоқчиман

4

ҲАМКАСБИМНИНГ
ИЛТИМОСИГА КЎРА

Шахсанми ёки ишонч
билдирувчи орқали?

6

ПЕНСИЯ
ЖАМҒАРМАСИ
ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Ишлайдиган
пенсионерлар
масаласига доир

7

Маълумот учун!

Ўзбекистонда доимий яшовчи ХОРИЖИЙ фуқаро ёки ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСГА пенсия ва нафақа ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН МУДДАТ давомида тўланади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган



Менда давлат мукофоти – «Меҳнат шухрати» ордени бор. Пенсия жамғармасидагилар менга ҳеч қандай имтиёз ва устамалар белгиланмаганлигини айтдилар. Шу тўғрисида?

З.К.

– Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари ҳақилар. Пенсия қонунчилигида «Меҳнат шухрати» давлат мукофоти учун пенсияга устама ҳисоблаш назарда тутилмаган.



Хориждан бадаллар



Меҳнат шартномаси бўйича хорижда ишламоқчиман. Ишлаётган давримда Ўзбекистонда сугурта бадалларини тўлай олишим учун нима қилиш зарур?

А.Квон.

– Мазкур саволга батафсил жавобни Чет элда ишлайётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомдан (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган) олиш мумкин.

Хусусан, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс Пенсия жамғармасига тўлаган сугурта бадаллари ҳисоби унинг доимий яшаш жойи бўйича солиқ органи ва Пенсия жамғармаси бўлимида юритилади.

Сиз Пенсия жамғармаси бўлимига қуйидагиларни тақдим этишингиз зарур:

- Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза;
- солиқ органлари томонидан берилган СТИР расмийлаштирилганлиги тўғрисида маълумотнома нусхаси;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси (агар мавжуд бўлса);
- ваколатли орган томонидан расмийлаштирилган бел-



гиланган шаклдаги чет эл давлати ва у ерда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома.

Ўзбекистонга келгандан сўнг ваколатли орган томонидан келгандан кейин 3 кун муддатда паспортидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги ёзувлар (муҳрлар, штамплар ёки белгилар) асосида Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш ва меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни киритиш учун асос ҳисобланадиган белгиланган шаклдаги чет эл давлати ва у ерда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома берилади.

Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

- ҳар ойда ёки ҳар чорақда;
- бир йўла – Ўзбекистон Республикасига келган кунидан бошлаб 3 ой мобайнида.

Сиз пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб сугурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ ҳар ой учун Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган ЭКИХнинг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгилашингиз мумкин.

Бадаллар миллий ёки хорижий валютада (бошқа давлат ҳудудидан) махсус счётларга тўланиши мумкин.

Миллий валютадаги сугурта бадалларини ўзингиз мустақил равишда тўлашингиз ёки оила аъзоларингиздан бири, шунингдек ишончли вакил тўлаши мумкин.

Абдурашид Исмоилов,

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Маълумот учун!

ЎҚУВЧИЛАР 18 ЁШГА ТЎЛГУНЛАРИГА ҚАДАР боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Сақлаш учун – тадбиркорга

Иш стажини ва якка тартибдаги тадбиркорнинг суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш соддалаштирилди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарориди (22.05.2018 йилдаги 384-сон) назарда тутилган.

Ҳужжат билан пенсия бўлими ҳар бир якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) учун алоҳида юритиладиган Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олишнинг шахсий қарточкаси бекор қилинмоқда. Эслатиб ўтамиз, қарточка пенсия бўлимида доимий равишда сақланар, унга суғурта бадаллари суммалари ва улар қайси давр учун тўланганлиги тўғрисидаги ёзувлар қайд этилар эди.

Энди пенсия бўлими томонидан ЯТТга (шунингдек чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсларга, деҳқон хўжалиги аъзоларига ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоларига) фақат Суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш дафтарчаси очилади. У ЯТТда сақланади ва, банк қвтанциялари ва тўлов

ҳужжатларининг асл нусхалари билан бир қаторда, бадаллар тўланганлиги далилини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Шунингдек, энди ЯТТ учун тадбиркорлик фаолияти асосий фаолият деб ҳисобланса, меҳнат дафтарчаси пенсия бўлимида эмас, балки унинг ўзида сақланади. Яшаш жойидаги пенсия бўлими ЯТТ фаолияти тўғрисидаги тегишли ёзувларни меҳнат дафтарчасига қайд этади, холос. Бу чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсларга, деҳқон хўжалиги аъзоларига ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоларига ҳам тааллуқли.

Деҳқон хўжалигидаги меҳнати ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун қўшимча ҳисобланса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади. Бу ҳолда рўйхатдан ўтган жойидаги пенсия бўлими томонидан унинг хоҳишига кўра меҳнат дафтарчасига тадбиркор сифатидаги фаолият даври тўғрисидаги ёзув киритилиши мумкин (Низом, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.05.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Давлат гранти асосида

Вазирлар Маҳкамасининг 2.06.2018 йилдаги 417-сон қарори билан Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда 2%ли квота ажратилади (1.12.2017 йилдаги ПФ–5270-сон Фармон).

Маълумот учун! Қўшимча квота ўринлари давлат гранти асосида ташкил этилмоқда. Уларга мактабнинг 11-синфини ёхуд академик лицей ёки касб-ҳунар коллежини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги тўғрисидаги маълумотномага эга ногиронлар, шунингдек ногирон болалар даъвогарлик қилиши мумкин.

Улар ҳужжатларни махсус қабул комиссиясига топширадилар, унинг таркибига олий таълим муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси вакиллари қиради, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вакиллари ҳам кириши мумкин. Унинг ўзи ногиронлиги бўлган шахслар билан касбга йўналтириш бўйича суҳбатлар ўтказади. Ҳужжатларнинг умумий пакетига қўшимча равишда абитуриентнинг ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилиш ва унинг аслини кўрсатиш лозим.

Бундай абитуриентлар тўғрисидаги барча ахборот Давлат тест марказининг маълумотлар базасига киритилади. Сўнгра маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим

Маълумотларни Алла Ромашко олиб боради.

этилади, у мазкур ахборотни ўрганиб чиқади. Абитуриентнинг ногиронлиги тасдиқланмаса, у қўшимча квота бўйича имтиҳонларга қўйилмайди.

Тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган барча биноларда ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30%идан кам бўлмаган балл тўплаганлар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этил-

ган ҳолда қўшимча квота доирасида талабаликка тавсия этилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.06.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Бизга мактуб йўллабсиз

Қисқартириш ёки ўз хоҳишига кўра



Ёшим 57 да, 25 йилдан ортиқ ишлаганман. Айти пайтда иш топа олмаяпман. Эшитишимча, стаж бўйича пенсияни расмийлаштириш мумкин экан. Шу тўғрисида?

Александр Ш. Тошкент ш.

— Афсуски, йўқ. Зарур стажнинг мавжудлиги кишига пенсия ёшига етмасдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини бермайди. Мурожаатингиздан нима учун — ўз хоҳишингиз билан, бир қатор сабабларга кўра қисқартириш муноса-

бати билан ёки корхона тугатилганлиги боис ишламай қўйганингиз аниқ эмас.

Киши технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган ҳолатда муддатдан олдин пенсияга чиқиши назарда тутилган. Эраклар учун — 58 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар учун — 53 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Бу ҳолда муддатдан олдин пенсия тайинлаш тўғрисида ариза берганда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномасини ҳам илова қилиш зарур (Низомнинг 12-банди «п» кичик банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Банкдаги сўтга



«Меҳрибонлик» уйларида яшайдиган болалар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оладиларми?

Ш.Зиёдова. Қўрай қ.

— Ҳа, уларга пенсия тўланади, бироқ чекланган ҳолда. Чунончи, Қонуннинг 56-моддасига мувофиқ, чин ётим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида ЭКИХнинг 100%и миқдорида пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат

таъминотида турган болаларга ЭКИХнинг 50%и миқдорида пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига тижорат банкида очилган депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ўз вақтида мурожаат қилиш керак



Бувим шу йил март ойида вафот этди. Маълум бўлишича, дафн маросимини ташкил этиш учун тўловлар тўланар экан. Ҳозир уни олиш учун Пенсия жамғармасига мурожаат қилишим мумкинми?

А.Р.

— Афсуски, кеч қолгансиз. Дафн этиш учун нафақа, шунингдек пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули уларни

олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин **60 кун ичида мурожаат этилган тақдирда** тўланади (Қонуннинг 63-моддаси).

Ўқитувчи учун махсус стаж



28 йиллик узлуксиз стажга эгаман. Унинг 20 йилида махсус колонияда тарбиячи бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсия олишга ҳақлиманми?

Шаронова. Тошкент ш.

— Йўқ, ҳақли эмассиз. Сабаби ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари **ўқитувчилари, махсус иш стажига** камида 25 йил бўлган тақдирда

умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 12-моддаси «к» банди; ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 3-сон рўйхатнинг VII қисми).

Расмиятчиликларсиз



Саломатлигим ёмонлашганлиги боис ногиронлик гуруҳимни биринчисига ўзгартирдилар. Пенсияни қайта ҳисоблашлари учун Пенсия жамғармасига мурожаат қилишим керакми?

Н.Рейтов. Тошкент ш.

— Йўқ, бундай қилишингиз шарт эмас. Гуруҳ ногиронлиги белгиланиши пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш **тўғрисида ариза бериш талаб қилинмайдиган** ҳолатлардан бири ҳисобланади (252-сон Низомнинг 149-банди).



Бадалларни тўламоқчиман...



Мардикорлик (норасмий меҳнат фаолияти) билан шугулланаман. Масалан, ҳар куни ҳар хил ишни бажараман. Иш бевурилар — жисмоний ёки юридик шахслар оғзаки шартнома туздилар.

Ҳар ойда Пенсия жамғармасига олинган даромад ҳисобидан бадалларни ажратсам, пенсия олишга ҳақли бўламманми? Меҳнат фаолиятим иш стажига киритилиши учун нима қилишим керак?

Ақтам К. Тошкент ш.

— Пенсия қонунчилигида мардикорларнинг сугурта бадалларини тўлаши ва ишлар бажарилган даврни стажга киритиш имконини берадиган норма мавжуд эмас.

Сугурта бадалларини тўлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қуйидагилардир:

- яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиги аъзолари;
- шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиш ва

етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган жисмоний шахслар;

➤ шахсий ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Шуни ҳам маълум қиламизки, Президентнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш

ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (24.05.2017 йилдаги ПФ-5052-сон) мувофиқ, белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган, шунингдек иш изловчи шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган фуқаро жамоатчилиги ишларида қатнашиш учун жалб этилиб, меҳнатига ҳақ

тўланиши мумкин. Иш ҳақидан тўланган сугурта бадаллари ҳисобига пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади, иш стажы ҳисобга олинади. Бунинг учун яшаш жойингиздаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилишингиз зарур.

Ҳамкасбимнинг илтимосига кўра



Ташкилотимизда ишлайдиган пенсионер РФга кетди, у ерда яшаш гувоҳномасини расмийлаштирмоқда. Ишдан бўшаш тўғрисидаги аризани почта орқали жўнатди.

Уси (ишончнома бўйича) Пенсия жамгармаси бўлимида барча зарур ҳужжатларни расмийлаштириш мумкинми?

Валиева, КБ инспектори.

– Пенсия тўлаш тўхтатиб турилмаган бўлса, қуйидаги ишларни бирма-бир бажариш лозим:

1) аввал уни ишдан бўшатиш ва ишдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги буйруқни ташкилот орқали пенсия тўланган охиригидан тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда Пенсия жамгармаси бўлимига топшириш зарур;


2) ишончли шахс пенсионернинг яшаш жойидан пенсияни ишончнома бўйича олиши;

3) янги яшаш жойида унга беришлари учун пенсия йиғмажилдини олиш тўғрисида ишончнома билан мурожаат қилиш.

Бунда расмийлаштирилган ишончномада пенсия олиш ва пенсия йиғмажилдини бериш учун зарур ҳуқуқлар аниқ қайд этилган бўлиши лозим.

Пенсияни тўлаш тўхтатиб турилган бўлса, пенсияни тиклаш учун унинг ўзи Ўзбекистонга келиши, тўланиши

лозим бўлган пенсия тўловларини олиши ва пенсия йиғмажилдини олиб кетиши керак бўлади (252-сон Низомнинг 172-банди).



Фақат шахсан



Пенсионернинг ишончномасига кўра (оилавий шароитига кўра кела олмайди) унга «Хизматкўрсатган» унвони учун (унинг аризаси ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат маъжуд бўлса) устама расмийлаштириш мумкинми?

Н.К. Тошкент шаҳри.

– Фахрий унвонлар учун қўшимча тўловларни тайинлаш ва тўлаш Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 3.01.2008 йилдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ амалга оширилади.

Чунончи, Низомнинг 8-бандига мувофиқ, фахрий унвон учун тўловни тайинлаш қуйидаги ҳужжатлар:

➢ фахрий унвон бериш тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек унинг нусхаси;

➢ фахрий унвон учун тўловни амалга оширишга берилган ариза;

➢ ариза берувчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат – ҳарбий хизматчилар учун), шунингдек унинг нусхаси тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Фахрий унвон бериш тўғрисидаги гувоҳнома ва ариза берувчининг паспорти (ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат) тақдим этилган ҳужжатлар текширилгандан сўнг эгасига қайтарилади.

Низомда ишончнома асосида фахрий унвон учун тўловлар тайинлаш назарда тутилмаган.

Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бевосита мулоқот

Пенсия жамғармаси таклиф этмоқда

Ҳозирги вақтда амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ишловчи пенсионерларга пенсия 50% миқдорида тўланмоқда (айрим тоифадаги шахслар бундан мустасно). Дунёнинг деярли барча мамлакатларида бундай амалиёт қўлланилмайди, барча пенсионерлар истисносиз ишлаган меҳнат стажига мувофиқ тўлиқ ҳажмда пенсия оладилар.

2017–2018 йилларда республикаимизда ўтказилган сайёр учрашувлар натижалари, шунингдек келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилининг кўрсатишича, ишловчи пенсионерларга 50% миқдорида пенсия тўлаш улар иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат фаолиятини давом эттиришларига туртки бўлмоқда.

Шунингдек Давлат молиявий назорати бошқармалари ва бошқа назорат органлари пенсиялар ва нафақалар тўғри тўланишини текшириши давомида ортиқча тўловлар тўланганлиги маълум бўлмоқда. Иш берувчилар пенсионерларни ишга қабул қилгани тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлинмаларини ўз вақтида огоҳлантирмагани, пенсионерларнинг ишга жойлашганлиги далилини яшириши сабабли бундай ҳолатлар юз беради.

Сўнгги йил давомида мазкур йўналишда тегишли чора-лар қабул қилинди. Масалан, 2017 йил 1 апрелдаги ҳолатга кўра, пенсионерларнинг фақат 4 тоифаси (I ва II гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари, фуқаролар йигинлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича уларнинг маслаҳатчилари) тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар, айти пайтда Президентнинг фармон ва қарорларига мувофиқ мазкур тоифалар сони 31 тага етди («Халқ» ва «Хизмат кўрсатган» фахрий унвонларига эга бўлган пенсионерлар, тиббий ташкилотларнинг шифокорлари, «Нуроний» жамғармаси, «Оила» маркази, Мажбурий ижро бюроси ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари, спорт усталари ва б.).

Бу билан тўлиқ миқдорда пенсия олувчи ишловчи пенсионерлар сони 26,7 минг кишини (ёки ишловчи пенсионерлар умумий сонининг 26%ини) ташкил этди.

Бироқ турли тоифадаги ишловчи пенсионерлардан Пенсия жамғармасига кўп мурожаатлар келиб тушмоқда

(2018 йил январь–май ойларига Пенсия жамғармаси ижроия аппаратида ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлаш бўйича 1 000 дан ортиқ оғзаки ва ёзма мурожаатлар келиб тушди).

Фуқаролар ўз мурожаатларида Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлашда давом этган ҳолда йиллар давомида ишлаб топган пенсиянинг бир қисми ушлаб қилинишидан норозилиklarини изҳор қиладилар. Шунингдек иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлган пенсионерлар, хусусий корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқалардан қонунчиликнинг кўрсатилган нормасига ўзгартиришлар киритишга доир таклифлар келиб тушмоқда.

Пенсия таъминоти тизимида ижтимоий адолатга ва самарадорликка эришиш мақсадида 2019 йил 1 январдан Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси доирасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси барча ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўлашни таклиф этмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўлашга 363 млрд сўм миқдорида қўшимча маблағ ажратиш талаб этилади.

Кўрсатилган харажатларни қоплашга қўшимча даромадлар Жамғармага даромадлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек фуқароларни ижтимоий сугурта тизимига жалб этиш ва иш ўринларини қонунийлаштириш ҳисобига ундирилади.

Нуриддин Шодиҳўжаев,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппарати бўлими бошлиғи.

<http://pf.ru.uz>

Маълумот учун!

2018 йил 1 майдаги ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар сони 3,3 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади, шундан 103,1 минг нафари (ёки 3,2%) ишловчи пенсионерлардир.

Буни билган маъқул

Уруш ногиронларига тенглаштириладиган шахслар доираси

1941–1945 йиллардаги уруш ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасини химоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «а» бандида ҳамда 28-моддаси «а» ва «б» бандларида назарда тутилган шартлар ва нормаларга кўра пенсия билан таъминланишга ҳақли уруш ногиронлари ҳисобланадилар.

Қуйидаги ногиронлар уруш ногиронларига тенглаштириладилар:

➤ собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

➤ 1941 йилнинг 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни химоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

➤ темир йўлларнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ҳамда 1941–1945 йиллардаги уруш даврида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия

олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ходимлар;

➤ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

➤ ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар;

➤ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар (тутқунлар, шу жумладан, болалар);

➤ тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли, шунингдек ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ИИО ва МХХнинг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

➤ ўқув машғулотида ёки текшириш учун йигинларга чақирилган ва шу йигинларда ўз хизмат бурчларини бажараётган яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятли шахслар.



Маълумот учун!

БЕПУЛ санаторий-курорт **ЙЎЛЛАНМАЛАРИДАН** фойдаланувчи ногиронлар ва кексалар тоифасига қуйидаги шахслар киради:

- уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бева хотинлари (бева эрлари);
- республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;
- Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш ка-

саллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;

➤ ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;

➤ I ва II гуруҳ ногиронлари, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб боровчи шахс;

➤ ёлғиз кексалар;

➤ ёшга доир пенсионерлар.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Меҳнат инспекциясига келишувларсиз текширув ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин

ҚҲТБТ порталида Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазаси механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Меҳнат инспекцияси – ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи янги орган

Давлат меҳнат инспекциясини Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ҳамда Меҳнат муҳофазаси инспекцияси ва меҳнат шароитлари давлат экспертизаси қўшиб юборилиши йўли билан ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Инспекция қуйдаги вазифаларни бажаради:

- ташкилотлар томонидан ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоя қилиниши ва уларга риоя қилиниши, шунингдек хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этилиши ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан давлат кузатуви ва назоратини амалга ошириш;

- меҳнат муҳофазаси ҳолатини, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларига чалиниш сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш;

- меҳнат тўғрисидаги битимлар ва локал ҳужжатлар, иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатларига мувофиқлиги масалаларига доир буйруқларини мунтазам таҳлил қилиш;

- меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан доимий мониторингнинг амалга ошириш;

- меҳнат, аҳоли бандлиги ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига назарда тутилган меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш сифати борасида давлат назоратини амалга ошириш;

- ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар объектларига тўсиқларсиз кира олиши, шунингдек барча турдаги транспорт воситалари, транспорт коммуникациялари, оммавий фойдаланиладиган алоқа ва ахборот воситаларидан фойдалана олиши учун шароитларни яратиш юзасидан ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва камчиликларга барҳам бериш, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ айбдор

мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини ташкил қилиш;

- ходимлар ва иш берувчилар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш ва уларга риоя қилиш масалаларида, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолатлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан ишларни олиб боришда маслаҳат ва методологик ёрдам кўрсатиш;

- юридик ва жисмоний шахслар орасида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқига, шунингдек хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилиши зарурлиги ҳақида кенг маълумот-тушунириш ишларини олиб бориш, Инспекция фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий қилиш;

- давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги бошқа ҳужжатларни, шунингдек фуқароларнинг ишончли ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш.

Инспекцияга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ташкилотлар томонидан ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бандлик, меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан махсус ваколатли органлар билан олдиндан келишмасдан туриб режадан ташқари қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Меҳнат ҳуқуқий муҳофазасини қучайтириш

Ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон қуйдагиларга қўйилиши масалалари ишлаб чиқилади:

- Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг (ХИТА) «ноль травматизм» (Vision Zero) Концепцияси;

- Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) 1978 йил 19 майдаги 144-сонли «Халқаро меҳнат нормаларини қўллашга қўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида»ги Конвенцияси;

- «Зўрлаб ишлатиш ва мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сон ХМТ Конвенциясига 2014 йилдаги Қўшимча баённома;

- 1950 йил 7 апрелдаги 81-сонли «Саноат ва сав-



дода меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги ХМТ Конвенцияси;

- 1972 йил 19 январдаги 129-сонли «Қишлоқ ҳўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги ХМТ Конвенцияси.

Иқтисодиёт тармоқларида Меҳнат муҳофазаси бошқаруви тизимини (ММБТ) жорий қилиш режалаштирилмоқда, тизим муайян иш берувчиларда меҳнат муҳофазаси соҳасида сиёсат, мақсад ва тартиб-таомилларни белгилаш чора-тадбирлари ягона мажмуини амалга оширишни назарда тутди.

«Хавфсиз ва муҳофазаланган меҳнат» дастурини амалга ошириш учун «йўл харитаси»ни тасдиқлаш режалаштирилмоқда.

Бу – муҳим! Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақроран бузганлик, шу жумладан иш берувчи томонидан меҳнат муносабатлари лозим даражада расмийлаштирилмаганлиги учун маъмурий жавобгарлик, ҳатто жиноий жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Иш изловчиларга

«Ишга марҳамат» иш билан банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатиш мономарказини ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Марказ қуйдагилар билан шуғулланади:

- ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, ижтимоий ҳимоя, хорижга ишлашга юборилаётган фуқароларнинг жўнаб кетишдан олдинги маслаҳуви.

Марказ қуйдаги манзилда жойлаштирилади: Тошкент ш., Юнусобод тумани, 14-мавзе (Тошкент машинасозлик касб-хунар коллежи биноси).

Тошкентда Малайзия комплекс бизнес-коллежи (Malaysian Integrated Business college) билан ҳамкорликда Ўзбекистон-Малайзия умумий овқатланиш ва хизматлар кўрсатиш коллежи очилади. У Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Кох ота кўчаси, 49-уй (Тошкент давлат техника университети қошидаги 5-сонли академик лицей биноси) манзилида жойлаштирилади.

- 2019 йил 15 июлга қадар муддатда электрон савдо майдони имкониятлари ва функциялари тажриба тариқасида синовдан ўтказилади;

- тизимнинг бутун республика бўйлаб жорий қилиниши 2019 йил 1 августдан кейинга мўлжалланган.

Ҳужжат билан озиқ-овқат бозорларида турғун савдо шохобчаларини ижарага бериш бўйича электрон майдонни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш таклиф этилмоқда.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Гаевой, «Норма» МЧЖ эксперти.

Озиқ-овқат бозорларида савдо шохобчаларини онлайн-аукцион орқали ижарага олиш мумкин бўлади

ҚҲТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат товарлари бозорларида турғун савдо шохобчалари ва савдо жойларини тақсимлашни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Тошкентдаги озиқ-овқат бозорларида турғун савдо шохобчаларини «Электрон онлайн-аукционларни ташкиллаштириш маркази» ДУК томонидан ташкил қилинадиган «E-IJRO AUCTION» онлайн-аукционлар орқали ижарага бериш таклиф этилмоқда.

Қуйдагилар режалаштирилмоқда:

- 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳридаги озиқ-овқат бозорларида турғун савдо шохобчалари онлайн-аукционлар орқали ижарага берилади;



Жарималар ҳозирча ундирилмаяпти

МЧЖ балансида енгил автомобиль бор. ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарорига мувофиқ юридик шахсларга тегишли автомобиллар ҳайдовчилари кейинчалик тегишли сертификатни олиш билан бирга малакасини ошириб бориши керак. ВМҚда белгиланишича, 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб автомобилни мазкур сертификатсиз бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик юкланмоқда.

Юридик шахснинг енгил автомобилни сертификатсиз бошқараётган ҳайдовчига нисбатан қандай маъмурий жавобгарлик жорий этилади? Ташкилотга нисбатан ҳам жарималар қўлланиладими?

Х.Акмалхонов, кассир.

– Ҳайдовчилар малака оширгани тўғрисида сертификатнинг мавжуд эмаслиги учун ҳайдовчиларга маъ-

мурий жавобгарлик белгиланмагани каби, юридик шахсларга нисбатан ҳам жарималар назарда тутилмаган.



Дарҳақиқат, ИИБ ва Адлия вазирлигига 2 ой муддатда қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш топширилди. Шу жумладан 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини сертификатсиз бошқараётган шахслар (ҳайдовчилар)га нисбатан маъмурий жавобгарлиқни жорий этиш, лицензия/лицензия қарточкаларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш ёки бекор қилиш жорий этилиши керак эди (ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарори 7-бандининг 3-хатбошичи).

Бироқ материалimiz чоп этилган пайтда ҳайдовчиларнинг маъмурий жавобгарлик қоралари белгиланмаган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмади.

Ҳозирги вақтда МЖТКнинг 135-моддасида қуйидаги ҳолларда ЭКИХнинг 1/2 баравари миқдорида (172 240 / 2 = 86 120 сўм) жарима солиш назарда тутилган:

- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари;
- транспорт воситасини рўйхат-

дан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари;

➤ транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси;

➤ алоҳида ҳолларда эса лицензия қарточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқаришида.

Бунда Йўл ҳаракати қоидаларида (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-шлова) 2018 йилнинг 26 февралдан ҳайдовчи бошқа ҳужжатлардан ташқари ёнида ҳайдовчилар малака оширгани тўғрисидаги сертификатни ҳам олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шартлиги назарда тутилган.

Таъкидлаш керакки, юридик шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Абдураҳмон Бахтиев,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Суд қарори ижро этиш учун мажбурий

2017 йил сентябрда менинг айбим билан ИТХ содир бўлганди. ДИХХХ ходимлари баённома тузишди. Мен кўрсатилган суммани дарҳол бериб, жабрланувчига зарарни ўз ҳисобимдан қоплаб бергандим. Суд қарорига кўра мен 1 ЭКИХ миқдорида жарима тўлаб, жабрланувчининг зарарини қоплашим керак эди. Сугурта компаниясига мурожаат қилмадим. Декабрь ойида Мажбурий ижро бюросидан суд қарори бажарилмагани тўғрисида хат келди. Менинг тушунтиришларимдан кейин улар жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ҳақида аризани сўрашди. Жабрланувчи Бухоро шаҳрида яшагани туфайли уни топиб бўлмади. 2018 йил 25 майда МИБдан яна хат келди. 30 майда мен МИБга жабрланувчининг даъвоси йўқлиги тўғрисидаги аризани тақдим этдим. Шундан кейин МИБнинг давлат ижрочиси маъмурий суднинг қарорини кечиктириб бажарганим учун менга ЭКИХнинг 5 баравари миқдорида талабнома тақдим этди.

Д.Нарзуллаев, бош бухгалтер.

– Ҳа, узрли сабаб (суд қарорини ўз вақтида бажариш билан боғлиқ) бўлмаганда давлат ижрочиси томонидан белгиланган маъмурий жаримани тўлаш керак бўлади.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги ўз қарорида ихтиёрий бажариш учун муддатни белгилайди. Мазкур муддат ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан

Эълоплар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

15 кундан ошмаслиги керак. Давлат ижрочиси қарздорни белгиланган муддат тугагандан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йўғими, суд ижрочиси томонидан қарздора солинган жарималар, шунингдек ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 23-моддасининг 3-қисми).

Суд тайинлаган жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўлашни керак (МЖТК 332-моддасининг 1-қисми).

Шу тариқа, суднинг сиздан 1 ЭКИХ миқдорида жарима ундириш ва жабрланувчига зарарни қоплаш тўғрисидаги қарори 15 кун мобайнида ижро этилиши керак эди. Бундан кейин ҳам сизнинг ихтиёрийингизда давлат ижрочиси

тайинлаган вақт бор эди. Агар сиз ўз мажбуриятларингизни ушбу муддат мобайнида бажармаган бўлсангиз ва суд қарорини вақтида бажармаслиқ билан боғлиқ узрли сабабингиз бўлмаса, жаримани тўлашингиз керак бўлади.

Қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра давлат ижрочиси белгиланган муддатда ижро этилмаслиги фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 198-1-моддаси).

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатқичи – 186. Қўроқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳорги келишилган нархда.
Бўғортма 311. Адади 825. Газета 2018 йил 9 июль соат 16.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёпқазиб бериш ва харад қилиш масалалари
буйича 200-00-30.

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.